



Йиғин иши ҳамжихатлик, бирдамликни талаб этади

2-с.

Талабалар Ватанни севишни маҳалладан бошласа...

Тарихини билган ҳар бир йигит-қизнинг ўзлигига садоқати кучли, юртга муҳаббати юксак бўлади.

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
5 АПРЕЛ,
ШАНБА

Маҳалла

№28
(2252)

WWW.UZMAHALLA.UZ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

БМТ вакиллари “еттилик” фаолияти билан танишди



БМТ Тараққиёт дастурининг минтақавий директори Ивана Живкович Тойлоқ туманидаги “Муборак” маҳалласига ташриф буюрди.

Бу ерда Ивана Живкович маҳаллий аҳоли ҳамда йиғинда ташкил этилган Жамоатчилик ташаббуси гуруҳи аъзолари билан учрашди. Меҳмонлар “маҳалла еттилиги” фаолияти, ҳудудда йўлга қўйилган тажрибалар билан таништирилди. Жамоатчилик ташаббуси гуруҳи ривожланиш жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи экани, маҳалладаги ўзгаришларнинг марказида унинг овози сезилиб тургани қайд этилди.

Айтиш керакки, БМТ Тараққиёт дастури, Ислон тараққиёт банки ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари нати-

жасида қишлоқ ҳудудларни комплекс ривожлантириш лойиҳасининг иккинчи босқичи амалга ошириляпти. Лойиҳа 2028 йилгача Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг 21 та туманидаги 157 та маҳаллада ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ва капитал таъмирлашни назарда тутди.

Бу жараёнда аҳолининг доимий даромад манбаларини яратишга ҳам эътибор қаратилади. Лойиҳани амалга ошириш натижасида 622 мингдан ортиқ қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити яхшиланади.

БУГУНГИ СОНДА:

Йигит киши қатъиятни ҳарбийда ўрганади

“Аксарият йигитлар оила қуришга тайёр эмас. Улар оила олдидаги бурч, ҳақиқий эр йигитнинг масъулиятини унутиб қўймоқда назаримда. Шу боис ҳар бир хонадонда ўғил фарзандга йигитлик сифатларини синдириб, уни қатъият қилиб ўстириш лозим, деб ҳисоблайман”.

4-с.

“Мен англаган ҳақиқат шу – ҳаёт учун кураш тўхтаб қолмайди”

Маҳалла тизимида фаолият олиб бораётган ҳар бир ходим, аввало, адолатли бўлиши керак. Давлат фуқаролар учун яратиб бераётган имкониятларни тўғри ва холис тақсимлай олсагина, хурматга сазовор бўлади. Бу борада билиб-билмай йўл қўйилган кичик хато ҳам қанчадан-қанча кишининг жабр чекишига сабаб бўлиши мумкин.

6-с.

Қадриятларга таяниб, иш кўрмоқлик хайрли

Оилаларни камбағалликдан чиқаришда ҳудуднинг ривожланиш нуқтасини инобатга олиб, чора-тадбирлар ташкил этилса, яхши бўларди. Масалан, чорвачилик бўйича эҳтиёжманд хонадонга битта она-бола сигир олиб берилгани маъқул қарор бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак вақтинчалик ёрдам, холос. Уларга даромад келиб турадиган манба топишда кўмаклашайлик...

7-с.



ОБОДЛИК

Президент фармойишига асосан, 10 мартдан 10 апрелгача маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича “Долзарб бир ойлик” эълон қилинганди. Ўтган вақт давомида йиғинларда ойлик доирасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида 2025 йил баҳор мавсумида “маҳалла еттилиги” билан биргаликда йиғинлар, кўчалар, аҳоли томорчалари атрофида ва қабристонларда жами 24 миллион 820 минг туپ манзарали, мевали дарахт ва бутта кўчатлари экилди. Бу орқали белгиланган режа 122 фоизга (23 миллион 560 минг туپ кўчат экиш режалаштирилган эди) бажарилди ҳамда “Яшил макон” платформасига киритилди.

Давоми 2-саҳифада.



ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИДА ФАОЛ БЎЛИНГ!



Зулфия МҶМИНОВА:

– Мен маҳалламизнинг ободлиги, ривож ва оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида маҳалла раислари сайловида қатнашаман! Сизларни ушбу муҳим сайловда фаол иштирок этишга, маҳаллангизнинг ривож учун ишончли ва фидойи номзодга овоз беришга чақираман. Сайловда иштирок этиш ҳар биримиз учун муҳим қadam бўлиб, биргаликда обод ва барқарор келажакни қуришга имкон беради. Ушбу жараёнда қатнашинг ва ёшларга, оилаларга, бутун жамоатчиликка туртки беришга ўз ҳиссангизни қўшинг!

300 та оғир ҳудудда фотоэлектр станциялари қурилади

ЖАРАЁН

“Ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ва беҳуда сарфланишининг олдини олиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.



Маълумотларга кўра, 2030 йилга бориб, мамлакатимиз аҳолиси 41 миллионга етиши, иқтисодиёт икки қарра ўсиши кутиляпти. Бу энергия ресурсларига бўлган талабни ҳозиргидан 1,5 қарра оширади. Шунинг учун янги лойиҳаларни ишга тушириб, қувватни

кўпайтириш билан бирга, энергияни тежаш чораларини кўриш зарур. Бу жараёнда туман ва маҳаллаларда энергияни иқтисод қилиш бўйича имкониятлар жуда кўп. Шу боис Президент қарорига кўра, аҳолиси ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда бўлган 300 та маҳаллада 100 мегаваттлик кичик қувватли фотоэлектр станцияларини барпо этиш ҳисобига 45 мил-

лион метр куб табиий газни тежаш мумкин. Кўчаларни ёритишга йилига 200 миллион киловатт электр сарфланяпти. Кўёш панели чироқлар ўрнатилса, истеъмол икки қарра камаяди. Шу каби имкониятлар ҳисобидан бу йил 1,1 миллиард метр куб табиий газ ва 2,5 миллиард киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилиш кўзда тутилмоқда.



Самарқанд шаҳрида "МАРКАЗИЙ ОСИЕ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ" биринчи саммити бўлиб ўтди.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЙЁЕВ Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен билан учрашди.



Ўзбекистон ва ЕИ етакчилари ҳузурда Европа инвестиция банкининг минтақавий офисини Тошкентда очиш тўғрисида БИТИМ ИМЗОЛАНДИ.

Маҳаллаларда қарийб 25 миллион туپ кўчат экилди

Айни жараёнда "еттилик" аъзолари маҳалла бюджети ҳисобидан 240 минг 110 та камбағал оила хонадонларига 20 тупдан, жами 2 миллион 651 мингта мевали дарахтлар экилишини таъминлади. Маҳаллалардаги 14 минг нафардан ортиқ яққа-ёлғиз кексаларнинг хонадонига 10 тупдан, "еттилик"нинг 57 минг 355 нафар аъзоси ўзига бириктирилган кўчаларга 559 минг 381 минг туп мевали ва манзарали нихол қадади. Кўчабоши ва уйбошилар 1 миллион 622 мингта кўчат экишни ташкил қилди.

Кувонарлиси, ойлик доирасида республика бўйича 4 минг 690 тага яқин маҳаллада ташкил этилган "Маҳалла боғи"нинг ҳар бирига қўшимча 50 тупдан дарахт экилди. 2 минг 312 та маҳаллада янги боғлар ташкил қилинди. Худди шундай, 208 та туман (шаҳар)да "Маҳалла сервис компанияси"га ажратилган 165 гектар майдонда "Мевазор боғлар" яратилди. Энг муҳими, "маҳалла



еттилиги"нинг аҳоли ўртасида тарғибот ишларини самарали йўлга қўйиши натижасида республикадаги 4 миллион 172 мингта томорқаси мавжуд хонадонга 18 миллиондан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Қолаверса, ички кўчалар ва аҳоли хонадонларида райхон, гултожи, атиргул, терак қалачалари қадалди. Республика бўйича режа ортиғи билан бажарилган бўлса-да, бу борада айрим

туман (шаҳар) ва маҳаллаларда экилган кўчатларни "yashilmakon.eco" платформасига киритишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Бу бўйича уларга тушунтиришлар берилляпти. Экилган мевали дарахт кўчатларини сўғориш ҳамда парвариш ишлари учун ҳар бир маҳаллада шакланган маҳалла бюджетни маблағларининг 20 фоизини (ўртача 30-50 миллион сўм) сарф этиш тизими йўлга қўйилди.

••••• РАИСНИНГ БИР КУНИ

Йиғин иши ҳам жиҳатлик, бирдамликни талаб этади

Бир кун — ишлаймак, бирор натижага эришмак, деган киши учун жуда катта имконият. Ундан унумли фойдаланиб, раис сифатида халқимизнинг фаровонлигини таъминлашнинг олдинсизга асосий мақсад қилиб олганмиз.



Иқболжон УСМОНОВ, Фурак туманидаги "Қушчи" маҳалласи раиси.

Эрталаб соат 7:00 дан бошланадиган иш куним давомида биринчи бўлиб, кўчаларни айланаман. Одамлар билан дилдан суҳбат кураман. Уларнинг дарду ташвишларини ўрганаман. Шу билан бирга, "Яшил макон" лойиҳаси асосида ўтказилган кўчатлардан хабар оламан. Жорий йил бошидан буён 20 минг тупдан кўпроқ мевали ва манзарали дарахтлар экилган бўлиб, улар йўл бўйи, ариқ ёқалари, уй ва бино олдиларига ўзгача кўрк бағишлаб турибди. Маҳалламиз оғир ҳудуд сифатида танлаб олинган. Оқова сув танқислиги боис томорқадан фойдаланиш имконияти кам. Мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида 2,5 километр ариқни бетонлаш ишлари бошлаб юборилган. Бундан ташқари, битта 60 метри кудук қавлашиб, 80 та хонадон ва 20 та 15 сотихли ижара асосида берилган томорқани сув билан таъминлаш учун шароит яратилди. Кун давомида ҳудудимиздаги 6-мактабда олиб борилаётган қурилиш ишларига ҳам бир назар ташлаб ўтаман. "Ташаббусли бюджет" лойиҳасида қолибликни қўлга киритганимиздан сўнг таълим муассасаси ёнида 180 ўринли кўшимча бина барпо этилмоқда. Бу халқимиз учун қўлдан ва қувонарли янгилик бўляпти. Қолаверса, 5-мактаб учун ҳам мазкур лойиҳадан маблағ ютиб олганмиз. Тез кунларда у ерда ҳам қурилиш ишлари бошлаб юборилади.

Кун тартибимга камбағал сифатида раҳбарларга бириктирилган 7 та оиладан хабар олиш ҳам киритилган. Барчаси билан тизимли чора-тадбирлар йўлга қўйилган. Бу секин-аста ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хусусан, бир оилада ота ва унинг 2 нафар фарзанди бирга истикомат қилишади. Онаси йўқлиги боис ота ёлғиз ўзи 4- ва 6-синфда ўқийдиган фарзандини улғайтиряпти. Рўзғоридан ортиб, ҳеч қаерда ишлай олмаганидан камбағалликка кириб қолган. Хомийлар кўмагида унинг том қисминини янгидан таъмирлаб бермоқчимиз. Бундан ташқари, мотокультиватор олишига кўмаклашиб, озми-кўпми, даромад топишига ҳисса қўшмоқчимиз. Ажаб эмас, берилаётган кўмаклар натижасида турмуш шароити ўнганлиб кетса.

Ҳар кунги бўлмаса-да, бир-бир можаро келиб чиққан хонадонларга киришга тўғри келади. Нуруний отахон ва онахонлар кўмагида йил бошидан буён 4 та оилани яраштиришга эришдик. Эр-хотин, қайнона-келин низоларини бартараф этишда уларнинг кўмаги катта бўляпти.

Жорий йилда ҳудудимиздаги иккита умумтаълим мактабига бокс тўғрисидаги очилгани ният қилганмиз. Саъй-ҳаракатларимиз билан яқинда эски стадионни таъмирлаб, 60 нафар ёшнинг футбол билан шуғулланишига шароит яратиб берилди.

Ярим тунга қадар ишлаб, уйга қайтар эканман, қилинган ишларни хаёлан таҳлил қиламан. Ердими теккан кишиларни эслаб қувонсам, яна кўмак кутаётган инсонларнинг рўйхатини тузаман. Қанча меҳнат қилмай, бир кун келиб ўзининг ижобий натижасини кўрсатишига ишонаман.

••••• ТАЖРИБА

Ортиқча харажатсиз, ихчам тўй ўтказсак, 300 миллион сўмгача тежаш мумкин

Маҳалламиз қадимий манзил охлардан бири саналади. Бу ерда Хожа Ахрор Валлий хазратларининг бобоси Тожиддин, Даргоний макбараси бор. У киши ҳар чоршанба кунни бобосини зиннат қилган. Йиғиннинг "Чоршанба" деб аталгани шундан.

Алишер ҒОҒУРОВ, Самарқанд туманидаги "Чоршанба" маҳалласи раиси.

Самарқанд шаҳри, Ургут ва Нуробод туманлари билан чегарадош маҳаллада савдо-сотик, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси кенг ривожланган. Мебель, сунъий тош ва қурилиш моллари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар фаолият юряпти. Тикувчилик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаётган ўнлаб хунармандлар бор. Улардан бири — зардўз Зулхумор Зоҳидованинг овозаси бутун дунёга машхур. У киши турли зардўзлик буюмларини тиқиб, халқаро танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келяпти. "Устоз-шогирд" аънаъаси асосида маҳалладаги кўплаб хотин-қизларга зардўзлик хунарини ўргатыпти.

Олти йилдан буён ушбу маҳаллада раис бўлиб ишламан. Утган давр мобайнида чоршанбалликлар билан кўплаб хайрли ишларни амалга оширдик. Хусусан, бешта камбағал оилага ҳашар йўли билан уй қуриб бердик. Хомийлар кўмагида 4 нафар фарзанди бор ёлғиз аёлга кўп қаватли уйдан хонадон харид қилинди. Иқтисодий аҳволи оғир учта оиланинг қизини узатишга кўмаклашдик. Май ойида яна бир шундай оиланинг фарзандини узатамиз.

Маҳалла аҳолиси жуда ҳам жиҳат. 140 ўринли фаоллар зали қурдик. Хозир йиғиндаги, ҳатто тумандаги барча тадбирлар ушбу бинода ўтказилляпти. Оталар чойхонаси қайта таъмирланди. 2019 йил ҳудудда етти та трансформатор бор эди, ҳозир уларнинг сони 21 тага



етказилиб, аҳоли узлуксиз электр энергияси таъминотиغا эга бўлди. 2 километр йўл асфальтланди, 4 та сув минораси таъмирланди, аҳоли тўлиқ ичимлик сув билан таъминланди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш учун йиғиннинг турли жойларига 16 та видеокузатув камераси ўрнатилди. 14-давлат боғчаси биноларининг ташки деворлари таъмирланди. 34-мактабнинг 300 метр пёдадар йўлаги бетон қилинди. Кабрис-тон атрофи ўралиб, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 4000 туп мевали дарахт экилди. Шунингдек, Хотира майдони барпо этилди. Кувонарлиси, бу ишларнинг барчаси хашар ва ҳомийлар кўмагида амалга оширилди.

Ҳомийларимиз ҳафтанинг ҳар жума кунда аҳолига нон, озиқ-овқат ва уй рўзгор буюмларини бепул тарқатишади. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг мол-мулк ва ер солиғи, ичимлик сув ва чиқиндини олиб кетиш тўловларини тўлаб беришляпти. Ҳар шанба кунни арзонлаштирилган гўшт сотилади.

Ҳозир "маҳалла етиллиги" эски бир бинонинг уч хонасида хизмат фаолиятини олиб борапти. Албатта,

Алишер Ғоғуров "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишонини билан мукофотланган. "Энг намунали маҳалла раиси" кўрик-танлови ғолиби.

бу ўз навбатида, қатор ноқулайликларни келтириб чиқарляпти. Шу боис ушбу бинони қайта таъмирлаб, зарур шароитлар яратилиши зарур. Бунинг учун 600 миллион сўм маблағ керак. 400 миллион сўмини ўзимиз топадиган бўлдик, 200 миллион сўмини Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ажратди.

Вилоят ҳокимлиги ушбу қурилиш бўйича рухсатнома бериши керак. Бу бўйича вилоят маҳаллалари уюшмаси вилоят ҳокимига мурожаат қилган. Яқинда "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишонини билан тақдирлаш маросимида ушбу масалани яна бир вилоят ҳокимига

эслатдим. У киши ходимлари ва туман ҳокимига топшириқ берди, ўйлайманки, тез орада янгилик бўлади.

Тўй ва маъракалардаги дабда-бабозлик тугамас экан, аҳолини камбағалликдан чиқариш қийин. Бугун аксарият одамлар айнан тўй харажати сабаб чет элларда ишлашга мажбур бўляпти. Шу боис 2019 йилдан буён тўй ва маъракаларни ихчам ўтказиш тажрибасини йўлга қўйганмиз. Хисоб-китобларимизга кўра, бундай тадбирларни ортиқча харажатсиз, ихчам ўтказсак, тўйнинг ўзидан 250-300 миллион сўм, маъракалардан 50 миллион сўмгача тежаш мумкин. Ушбу ташаббусимизни туман ҳокимига айтиб, лойиҳасини тақдим этдик. Яқинда фаоллар залига туман депутатларини йиғиб, ушбу лойиҳанинг мазмун-моҳиятини тушунтириб бердим. Эндликда уни тумандаги барча маҳаллаларда татбиқ этиш учун туман Кенгаши сессиясига қўйилиб, тасдиқлаб олинади.

Кувонарлиси, ушбу тажрибамизга Самарқанд шаҳридаги маҳалла раисларини тўлиқ бажариши учун имконият яратлади. Шу билан бирга, бугунги кунга қадар бўшаб қолган ўринларга сайланган маҳалла раислари ўз ваколатларини уч йиллик муддат тугагунга қадар амалга ошириши белгилаб қўйилди, бу, ўз навбатида, бўшаб қолган ўринларга сайланган маҳалла раислари тегишли ҳудуддаги вазифаларини тўлиқ ваколат муддати доирасида амалга ошириш имконини беради.

••••• СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Бўшаб қолган ўринга раис неча йилга сайланади?

Нуриддин ШАРИПОВ, Тошкент вилояти:

— Маҳалламизда раис лавозими анчадан буён бўш, унинг вазифаларини ҳоким ва "еттилик" аъзолари биргаликда бажариб келяпти. Жорий йилда ўтказилган сайловдан сўнг, яна шу каби ҳолатлар кузатишса, нима қилиш керак? Қайта сайлов ўтказилми?



Баҳром КУШБАКОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— "Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгаришларга кўра, бўшаб қолган ўринга янги сайланадиган раис беш йил муддатга сайланади.

Маҳалла раислари сайлови охириги мартта 2022 йил май ойида ўтказилган бўлса, шу кунга қадар уч мингдан ортиқ раисларнинг ваколатлари турли сабабларга кўра муддатидан аввал тугатилган. Раислар кўнимсизлиги аҳолининг эътирозларига ҳамда ҳудудда аниқ режа асосида ишлар олиб борилмаслигига олиб келаётган эди.

Қонунчиликка ушбу янги меъёرنинг киритилиши бўшаб қолган ўринга янги сайланган маҳалла раислари тўлиқ беш йил давомида фаолият юритиб, йиғин ҳудудида амалга оширмоқчи бўлган вазифаларини тўлиқ бажариши учун имконият яратлади.

Шу билан бирга, бугунги кунга қадар бўшаб қолган ўринларга сайланган маҳалла раислари ўз ваколатларини уч йиллик муддат тугагунга қадар амалга ошириши белгилаб қўйилди, бу, ўз навбатида, бўшаб қолган ўринларга сайланган маҳалла раислари тегишли ҳудуддаги вазифаларини тўлиқ ваколат муддати доирасида амалга ошириш имконини беради.



Республика ҳудудларида микро гидроэлектр станциялари тармоғини ривожлантириш бўйича ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ имзоланди.



Автомобиль транспортда йўловчи ташиш фаолиятини тартибга солиш бўйича ҲУКУМАТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИга асосан, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги ташкил этилади.

МАНЗАРА

МУҲОКАМА

Томорқа турмуш фаровонлигини оширяпти



Фаолиятим бошланган кундан ҳозирга қадар маҳалламизнинг ишсизликдан холи ҳудудга айланишида самарали натижаларга эришилди. Бугунги кунда 23 та хонадон ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ҳисобида рўйхатда туради. Улар ногиронлиги бор ёки ишга лаёқатсиз фуқаролардир.

Уйғун ҲАЙИТОВ, Қарши туманидаги “Талликурон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

фуқаролар турмуши анча барқарор. Уйда чорвачилик, паррандчилик қилади. Асосий тирикчилиги — томорқачилиқдан.

Уч йил муқаддам бу кўрсаткич анча паст эди. Илк хатловда ҳудудда 6 000 нафарга яқин аҳоли истикомат қилгани аниқланган бўлса, ишга лаёқатлиларнинг қарийб 70 фоизи ишсиз эди. Ҳозир

Ҳоким ёрдамчилиги масъулияти зиммамга юклатилган, фуқаролар билан томорқаларда экин етиштириш, иссиқхоналар ташкил этишда самарали ишлаб келяпмиз. Кўпроқ даромад олиш мақсадида аҳоли асосий эътиборини иссиқхоналар ташкил этишга қаратиб,

кўкат, сабзавот маҳсулотларини етиштиради. Уларнинг томорқачилиқдаги тажрибаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, Дилмурод Боймуродов 33 миллион сўм кредит эвазига 8 сотихлик иссиқхона қурганди. Тез фурсатда уни 21 сотихга кенгайтирди. Ҳозир помидор, бодринг экинини парваришлаб, бир йилда 200 миллион сўмгача даромад қилади.

Президентимизнинг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, маҳалламизга 3 миллиард сўм маблағ ажратилган эди. Унинг ҳисобидан кимдир мотокультиватор, кимдир қурилиш асбоб-ускуналари,



Аҳолининг асосий қисми томорқачилик билан банд бўлгани боис одамларга энг кам миқдорда 10 миллион сўмгача деҳқончилик хўжалиги учун кредит олиб бердик. Ҳозирда ушбу ер эгалари йилда 50 миллион сўмгача даромад олмақда.

яна бошқаси автосервис хизматларини кўрсатадиган бино қуриш учун турли миқдорда кредитлар олди. Дорихоналар, дўконлар, уй-боғчалар очилди. Бироқ аҳолининг асосий қисми томорқачилик билан банд бўлгани боис одамларга энг кам миқдорда 10 миллион сўмгача деҳқончилик хўжалиги учун кредит олиб бердик. Ҳозирда ушбу ер эгалари йилда 50 миллион сўмгача даромад олмақда.

Кам даромадли оилалар учун ўтган йили деҳқон хўжалигини ташкил қилганмиз. Унга кўра, шу йўналишдаги ҳар бир фуқарога 50 сотихдан ер ажратдик. Қўшимча равишда ҳар бирига 100 миллион сўмдан кредит берилди. Ҳозир улар ерга ишлов бериб, “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида помидор етиштирмоқда. Деҳқон хўжалигида ҳозир яна 54 сотихдан 10,5 гектар ерга иссиқхона қуриляпти. 3 гектар иссиқхона аллақачон қурилиб, помидор экилган. 15 кундан кейин ҳосил олиш жараёнлари бошланади. Бундан ташқари, томорқачилиқда кооперация ташкил этилган. Маҳалламизга қарашли битта қишлоқ тўлиқ кўкат етиштиришга мўлжалланган. Уларга ерни тартибга келтиришга кўмаклашилади, экин уруғи етказиб берилди. Ҳосил тайёр бўлгунча ўғит билан таъминлаб турилади.

Бугунгача амалга оширган чора-тадбирлар натижасида маҳалламизда ишсизлик даражаси кескин камайиб, одамлар турмуши сезиларли равишда яхшиланди. Аҳоли томорқачилик ва иссиқхона орқали ўз даромадини ошириб, оилавий тадбиркорликни ривожлантиряпти.

Мактаблар беш кунлик иш тартибига ўтадимми?

Шу кунларда “Менинг фикрим” жамоавий мурожаатлар порталига жойлаштирилган петиция кенг муҳокама қилиняпти. Унга кўра, мурожаат муаллифи мактабларни тўлиқ беш кунлик ўқитиш ва ишлаш тизимига ўтказишни таклиф қилган.



Санжар ИБРОҲИМОВ.

Айтиш керакки, “Менинг фикрим” порталига жойланган ҳар бир мурожаатга етарлича овоз берилса, уни парламент кўриб чиқиши мумкин. Шунга кўра, юқоридаги таклиф ҳозиргача 12 мингдан ортиқ овоз тўплаганини ҳисобга олсак, эндиликда парламент уни қабул қилиб, 60 кун муддатда кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши зарур.

Албатта, битта фикр билан масала бирдан ҳал бўлиб қолмайди. Чунки ҳар бир таклиф таҳлилларга асосланиши, ижобий ва салбий таъсирлари тўлиқ ўрганиб чиқилган бўлиши зарур. Аввал ҳам шунга ўхшаш таклифлар билдирилган, қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган эди. Бироқ айрим жиҳатларни ҳисобга олиб, масала очик қолганди.

Ҳўш, мактаблар беш кунлик иш тартибига ўтса, нима бўлади? Энг аввало, ҳозирги кунда кўпчилик мактабларда таълим икки ёки ундан ортиқ сменада олиб бориляпти. Мактабларда беш кунлик ўқиш тизимининг жорий этилиши бундай ўқув муассасалари сонини кескин оширади. Яъни ўқувчи ўрни ва биноларга қўшимча талаб кескин ортади. Бу ҳолатда янги мактаблар қуриш, мавжудларини кенгайтириш учун қўшимча маблағ зарур бўлади.

Қолаверса, айтиш пайтда аксарият ота-оналарнинг меҳнат фаолияти ҳафтада олти кунни ташкил этади. Бундай оилаларда шанба кунини болалар хавфсизлигини ким таъминлайди, деган савол келиб чиқади. Бу ҳолат, ўз навбатида, ёшларнинг қаровсиз ва эътибордан четда қолишига олиб келиши, улар ўртасида жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлиб мумкин.



Шунингдек, ҳозирги таълим тизими олти кунлик иш тартибига тузиб чиқилган. Агар беш кунликка ўтиладиган бўлса, ёзги таътил кунларини қисқартириш ҳисобига ўқиш муддатини узайтиришга тўғри келади. Ваҳоланки, бизда таътиллار мамлакат иқлимидан келиб чиқиб белгиланган. Ёзнинг иссиқ ҳавосида 30-35 киши бир хонада 45 дақиқа ўтира олиши қийин. Хоналарда совитиш тизимига эҳтиёж туғилади — яна қўшимча харажат.

Албатта, таклифнинг ижобий жиҳатлари ҳам бор. Хусусан, педагогларнинг икки кун дам олишига шароит яратилади. Бу уларнинг ўз устида ишлаши, янги таълим усулларини ўзлаштириши, оиласига, фарзандлари тарбиясига кўпроқ вақт ажратишига имконият туғдиради. Шунингдек, ўқувчилар хордик чиқариши, турли тўғарақларга қатнашиши, маданий масканларга саёхатга бориши мумкин бўлади. Бундан ташқари, дарслар меъёрини қайта кўриб чиқиб, айримларини ихчамлаштириш, бирлаштириш имкони туғилади.

Умуман олганда, айтиш масала чуқур таҳлил қилиниши зарур. Хориж тажрибасига назар ташласак, аксарият давлатларда беш кунлик таълим тизими йўлга қўйилган. Жумладан, Финляндияда мактаблар тўлиқ беш кунлик тартибда ишлайди. Ён қўшимчиси — Қирғизистонда 1-8 синфлар учун беш кунлик тартиб амал қилади. Ўзбекистонда ҳам бошланғич синф ўқувчилари ҳафтада беш кун дарсларда қатнашади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Абдусаттор ТУРҲУНОВ, Муборак тумани:

— Бахтсиз ҳодиса туфайли уйим ёниб кетди. Шу сабабли менга моддий кўмак пули бериладими? Бунинг учун қандай талабларни бажаришим лозим?

УЙИ ЁНГАН ФУҚАРОГА МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИМИ?



Зафар ҲУЖАМОВ, Муборак тумани адлия бўлими бошлиғи:

— Бу ҳолатда мазкур кўмакни олиш учун оила Камбағал оилалар реестрига киритилган бўлиши керак.

Бу “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент фармонида белгиланган. Унга кўра, 2025 йил 1 апрелдан бошлаб, Камбағал оилалар реестрига киритилган, ёнгин, сув тошқини, зилзила ва бошқа техноген ҳодисалар оқибатида зарар кўрган оилаларга “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача бўлган миқдорда ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилган.

Демак, бу ҳолатда ёнгиндан зарар кўрган оилаларга 56 миллион 250 минг сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“Обиҳаёт” — қулай ва хавфсиз муҳит барқарор



Поп туманидаги “Обиҳаёт” маҳалласи шу кунларда замонавий кўриниш касб этмоқда.



мамнун этиляпти. — дейди йўғин фаоли Унарбой ота Тўйчиев. — Зотан, ҳудуддаги аввалги манзара шуни тақозо этадиган ҳолатга келиб қолганди. Ободлик ишлари маҳалланинг янада тараққий этишига хизмат қилаёттир. Яқинда мактаблар таъмирланиб, ўқувчиларга муносиб шароит яратилди. Йўллар ва ижтимоий инфратузилманинг яхшилланиши маҳаллани нафақат қулай, балки янада замонавий ва ривожланган ҳудудга айлантирмоқда.

Сирасини айтганда, “Обиҳаёт” нафақат номига мос, балки ҳақиқий обод ва фаровон масканга айланиб бормоқда.

Ж

аҳон банки лойиҳалари доирасида бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Ҳозирда маҳалланинг ички йўллари тўлиқ

таъмирланиб, аҳоли учун янада қулай ва хавфсиз муҳит яратилди. Лойиҳа доирасида 2 миллиард 185 миллион сўмлик маблағ эвазига 5,4 километр йўл реконструкция қилинмоқда.

— Маҳалладаги ўзгаришлар ёшу кексани бирдек



Энди йўналишсиз таксилар аэропортлар, темирйўл ва автовокзаллар ҳудудида йўловчиларни олиш ҳамда тушириш учун БЕПУЛ ТУХТАЙ ОЛАДИ.



“Ташаббусли бюджет”нинг 2025 йилги 1-мавсуми якунларига кўра, ғолиб бўла олмаган 33 та лойиҳа учун ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ ажратилди.



Ўмоннинг “OMAN AIR” авиакомпанияси “Маскат-Тошкент-Маскат” йўналишида мунтазам авиақатновларни амалга оширади.

ТАШАББУС

Талабалар Ватанни севишни маҳалладан бошласа...



Бугун мамлакатимизда 9 452 та маҳалла бор. Уларнинг ўзига хос номлари борки, айримлари ҳозирги адабий тилимизда мавжуд бўлмаган сўзлардан ташкил топган, бир қарашда тушуниш қийин. Баъзи тарихий номлар асрлар ўтгани сари асл кўринишини йўқотиб, бошқача талаффуз касб этган. Кўринадики, бу жиҳат ҳар бир маҳалланинг тарихини, унинг номланишини ўрганиш заруратини юзага келтиради.

Исмоил САИФНАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори.

Маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри йиғин аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида маънавий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий кадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилятлар камол топишида маҳалланинг ўрни бекиёс.

Ўзим ҳам маҳаллалар тарихига қизиқаман. Турли адабиётлар, тарихий манбалардан унинг шаклланиши, ривож топиши, номланиши, урф-одатларни авлоддан-авлодга етказишдаги ролини ўрганишга ҳаракат қиламан. Биласизми, бу жараёнда маҳалла номлари, у ерда қарор топган кадриятлар, бугун шу маҳаллада яшовчилар ҳар қанча фахрланса арзийдиган тарихий маълумотларга дуч келаемиз. Бу жиҳат мени ўзига хос ташаббусга ундади...

Ҳозирда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида фаолият юритаман. Кўп вақтдан буён ижтимоий фанлар фақат назарий ўргатилаётгани, уларни амалиёт орқали ҳаётга қандай татбиқ этиш масаласи бизни мулоҳазага чорларди. Масалан, оддий фалсафа фанини олсак, жамият ва оила фалсафаси ёшлар ҳаётида улар эгаллаши лозим бўлган муҳим билимларнинг ўзаги, десак адашмаймиз. Айниқса, бу ўринда маҳалланинг ҳам аҳамияти катта.

Бугунги маънавий ислохотлар талабидан келиб чиқиб, ёшларнинг ўзи яшаётган ҳудуд тарихи бўйича билим ва дунёқарошни бойитиш — зиммамиздаги асосий вазифа. Зеро, тарихини билган ҳар бир йигит-қизнинг ўзига

Ўзим ҳам маҳаллалар тарихига қизиқаман. Турли адабиётлар, тарихий манбалардан унинг шаклланиши, ривож топиши, номланиши, урф-одатларни авлоддан-авлодга етказишдаги ролини ўрганишга ҳаракат қиламан.

садоқати кучли, юртга муҳаббати юксак бўлади. “Эзгулик — ширимиз, маърифат — қуролимиз” ғояси асосида маънавий тарбия ишларини, аввало, оиладан, маҳалладан бошлашимиз лозим.

Шу мақсадда университетда мустақил иш сифатида “Менинг маҳаллам — менинг фахрим” лойиҳасини бошладик. Унинг доирасида талабалар ўз маҳалласининг тарихи, бу ерда яшаб ўтган таникли шахслар, ҳудуднинг аъёналари, замонавий ҳаёт фаолияти ҳақида альбом-тақдимот тайёрлашади. Тақдимот гуруҳда, маҳаллада бўлиб ўтади, йигит-қизлар маҳалла ривож бўйича ўз тақлиф ва тавсияларини тайёрлайди.

Талабалар 16 та саволнома асосида ўз маҳалласига амалиётга юборилади. Ҳозирда маҳалла фахрийлари, улуғ инсонлари ким, қанча аҳоли истиқомат қилади, ҳудуд қандай ривожланган, қандай қадим кадриятлари бор, барчасини ўрганиб, қамида 5 та тақдимот тайёрлайди.

Ушбу лойиҳа Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2017 йилдан буён давом этиб келяпти. Ўтган даврдаги кузатуларимиз шуни кўрсатадики, лойиҳани амалга ошириш, изланиш олиб бориш, тақдимот қилиш жараёнлари талабанинг дунёқарошига ижобий таъсир этяпти, уларда маълум бир маънавий юксалиш сезилди.

Тажрибадан келиб чиқиб, шундай хулосага келдикки, бу ёндашувни бутун республикада жорий этиш зарур. Бунинг учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи қўшма қарор қабул қилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Бу жараён орқича дабдаба талаб қилмайди. Аксинча, оддий кундалик фаолиятга айланади.



шарт-шароит яратади. Ёшлар етакчиси талаба билан ҳамкорлик қилади, уни маҳалла фаолиятига жалб қилади. Худди шундай, маҳалла хотин-қизлар фаоли талаба қизлар билан ишлайди. Аълочи, жамоат ишларида фаол талабалар ва уларнинг ота-оналарини рағбатлантириш мумкин.

Лойиҳани амалга оширишда олий таълим муассасалари мажбурий фан ҳисобланган фалсафани ўқитиш жараёнида мустақил ишни бажариш учун талабаларни ўз маҳалласига йўллайди. Тайёрлаган тақдимоти учун тегишли балл берилади. Маҳаллалар эса талабаларга лойиҳани бажариши учун

Натижада ёшлар, умуман, аҳолининг илм-фанга бўлган қизиқиши кучаяди, маҳалланинг ёшлар тарбиясидаги ўрни мустаҳкамланади, йигит-қизлар ўз маҳалласи тарихи ва бугуни билан танишади. Ишонинг, кейинчалик улар қаерда яшамасин, ишламасин, доимо маҳалласини эслаб туради. Лойиҳани амалга оширсак, ҳар йили маҳаллаларга қамида 300-400 минг нафар талаба боради, бу — катта муваффақият дегани, жамият ҳамжиҳатлигини кучайтиришга улкан ҳисса қўшилади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



“АҚЛЛИ МАҲАЛЛА” ЛОЙИҲАСИ ТАЪМИНОТНИ РОСТЛАЯПТИ

Ҳудудларда йўлга қўйилаётган “Ақлли маҳалла” лойиҳасини табиий газ таъминотида замонавийликка асосланган ёндашув, дейиш мумкин.

Кашқадарё маҳаллаларида газ таъминотидаги йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида амалдаги жараёнлар уч босқичдан икки босқичга ўтказилиб, табиий газни меъёрида узатувчи босим ростлагичлар ўрнатилди. Тажриба тариқасида вилоятдаги ҳар битта туман (шаҳар)дан биттадан маҳалла танлаб олинди. Жумладан, Қарши шаҳридаги “Равок” маҳалласида бошланган ишлар ўз самарасини бериб, аҳолига барқарор табиий газ таъминоти йўлга қўйилди.

— Лойиҳани амалга ошириш учун 1,5 километр масофада янгидан газ қувири тортилди, — дейди “Равок” маҳалласи ҳоким ёрдмчиси Алишер Отажонов. — 3,03 километр газ қувирилари эскилиги босим тартибга келтирилди. 80 та хонадоннинг табиий газ таъминоти икки босқичли тизимга ўтказилди. Натижада аҳоли ҳозирда табиий газ билан тартибли асосда таъминланди.

Маълумот учун, ўтган йили вилоят маҳаллаларида 24 минг 244 дона ростлагич ўрнатилиб, 680 дона газ тақсимлаш қурилмалари созланди. Бу йил 22 минг 125 дона босим ростлагичлар ўрнатиш режалаштирилган.

НИГОҲ

Йигит киши қатъиятни ҳарбийда ўрганади

Маҳалламиздаги одамлар катта бир оиладек ҳамжиҳат, ҳамфикр яшаши. Кимнинг уйда қандай муаммо бор, қандай эҳтиёжманд одамлар яшайди, ишсизми, ёрдам керакми, барча бир-бирдан бохабар бўлади. Айниқса, ёшлар билан боғлиқ масалаларга ҳеч ким бефарқ эмас.



Аксарият йигитлар оила қуришга тайёр эмас. Улар оила олдидаги бурч, ҳақиқий эр йигитнинг масъулиятини унутиб қўймоқда, назаримда.

Холида ИМОВОВА, Бухоро туманидаги “Дўстлик” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Йигит-қизларнинг хулқ-атворидаги ўзгаришлар, кўча-кўйда ўзини тутиши, муомала маданияти доимий катталар назоратида. Нега десангиз, ўсмирлик даврида ёшлар кўп ҳолатда йўл қўйиши мумкин. Бу даврда танланган йўл келажакда ҳаёт йўналишини белгилайди. Ким ҳам хато қилмайди, аммо уларни тушуниб, ўрганган ҳолда олдинги интилиш зарур. Шунинг учун ўсмирлар билан ўзаро суҳбатлар, тажриба ва маслаҳатлар жуда муҳим. Ота-оналар, устозлар ва дўстлар ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб, уларни тўғри қарорлар қабул қилишга ундаши даркор.

Профилактик ҳисобда турувчи битта йигит бор эди. Унинг бошқаларга зиён келтирувчи хулқ-атвори ва енгил-елпи ҳаракатлари туфайли назорат рўйхатида олишга мажбур бўлди. Ота-онаси ҳам маҳалла олдида уялиб қолди. Фаоллар билан уни алоҳида суҳбатга тортиб, бу ҳолати нафақат ўзининг, балки яқинларининг ҳам шаънига зарар етказиши мумкинлигини ўқитди. Устачиликда маҳорати борлигини аниқлаб, уни темирчига бириктирдик. Ҳозир олийгоҳда тахсил олиши билан бирга, дарсдан бўш вақтида маош эвазига темирчи устага кўмаклашади. Уйда чорва молларини кўпайтириб, қўшимча даромад манбаига эга бўлди. Бунинг учун унга имтиёзли кредит олиб бердик. Ҳозир хулиқидаги ижобий ўзгаришлар сезиларли даражада ошган.

Дастлабки фаолиятимдаги хатловда 18 ёшдан юқори меҳнатга лаёқатли ёшлар ичида ишсизлар сони 120 нафарни ташкил этарди. Улар хусусий корхоналарга ишга жойлаштирилди. Асбоб-ускуналар олиб берилди, касбий йўналишлар бўйича моно-марказда ўқитилиб, иш ўрни билан таъминланди. Ҳозирда ишсиз ёшлар 10 фоизга ҳам етмайди. Бугун уларни, асосан, тадбиркорликка йўналтириб, имтиёзли кредитлар асосида фаолиятини йўлга қўйишига шароит яратилди. Хусусан, Суннатullo Музаффаровга нон пиширадиган печь олиб берилди. Яқингача у хорижда ишларди, маоши 300 доллар атрофида экани, бу оила боқиб унинг етарли эмаслигини айтиди. Уни тезда юртга қайтардик. Қўлида новвойлик хунари борлиги унга ўз масканида анча кўл келди. Ҳозир даромади анча барқарор.

Шу ўринда мени бир жиҳат қийнади: аксарият йигитлар оила қуришга тайёр эмас. Улар оила олдидаги бурч, ҳақиқий эр йигитнинг масъулиятини унутиб қўймоқда, назаримда.

Унинг бошқаларга зиён келтирувчи хулқ-атвори ва енгил-елпи ҳаракатлари туфайли назорат рўйхатида олишга мажбур бўлди. Ота-онаси ҳам маҳалла олдида уялиб қолди. Фаоллар билан уни алоҳида суҳбатга тортиб, бу ҳолати нафақат ўзининг, балки яқинларининг ҳам шаънига зарар етказиши мумкинлигини ўқитди. Устачиликда маҳорати борлигини аниқлаб, уни темирчига бириктирдик. Ҳозир олийгоҳда тахсил олиши билан бирга, дарсдан бўш вақтида маош эвазига темирчи устага кўмаклашади. Уйда чорва молларини кўпайтириб, қўшимча даромад манбаига эга бўлди. Бунинг учун унга имтиёзли кредит олиб бердик. Ҳозир хулиқидаги ижобий ўзгаришлар сезиларли даражада ошган.

Дастлабки фаолиятимдаги хатловда 18 ёшдан юқори меҳнатга лаёқатли ёшлар ичида ишсизлар сони 120 нафарни ташкил этарди. Улар хусусий корхоналарга ишга жойлаштирилди. Асбоб-ускуналар олиб берилди, касбий йўналишлар бўйича моно-марказда ўқитилиб, иш ўрни билан таъминланди. Ҳозирда ишсиз ёшлар 10 фоизга ҳам етмайди. Бугун уларни, асосан, тадбиркорликка йўналтириб, имтиёзли кредитлар асосида фаолиятини йўлга қўйишига шароит яратилди. Хусусан, Суннатullo Музаффаровга нон пиширадиган печь олиб берилди. Яқингача у хорижда ишларди, маоши 300 доллар атрофида экани, бу оила боқиб унинг етарли эмаслигини айтиди. Уни тезда юртга қайтардик. Қўлида новвойлик хунари борлиги унга ўз масканида анча кўл келди. Ҳозир даромади анча барқарор.

Шу ўринда мени бир жиҳат қийнади: аксарият йигитлар оила қуришга тайёр эмас. Улар оила олдидаги бурч, ҳақиқий эр йигитнинг масъулиятини унутиб қўймоқда, назаримда.

Ажрашган эрактлардан ҳарбий хизмат ўтаган-ўтамаганини сўрасангиз, 90 фоизи хизмат вазифасини адо этмаган. Менимча, йигитлар енгил ҳаётга ўрганиб қолишган. Шу босим ҳар бир хонадонда ўғил фарзандга йигитлик сифатларини синдириб, уни қатъиятчи қилиб ўстириш лозим, деб ҳисоблайман. Бунинг учун барча йигитларни ҳарбий хизматга жалб қилиш лозим. Уйлайманки, ҳеч бўлмаганда йигитлик бурчининг ўтаси, қийинчилик кўради. Шундагина ота-онаси, аёли ва фарзандларини эъоззоялади, оила кадрини тушуниб етади.



Солиқ кўмитаси бизнесни қонунийлаштириш ҳисобига СОЛИҚ КЕШБЭЪНИ 2 фоизгача оширишни режалаштиряпти.



Энг юқори даромадга эга жисмоний шахслардан СОЛИҚ УНДИРИШ бўйича алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.



2027 йил 1 январдан бошлаб санъаткорлар даромадларини тўлиқ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШИ ва солиққа тортилиши мажбурий бўлади.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

КРЕАТИВ ПАРК РЕЗИДЕНТЛАРИГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Давлат раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёнлар билан очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига асосан, креатив индустрия парки (креатив парк) яратилади.



Улар учун бир қатор солиқ имтиёзлари жорий этиляпти. Жумладан, **2025 йил 1 майдан 2031 йил 1 январгача** мазкур креатив парк резидентлари ижтимоий солиқни ҳамда жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғини 50 фоиз камайтирилган ставкада тўлайди. Резидентларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади микдоридан қатъи назар айланмадан олинандиган солиқ тўловчилар тоифасига киритилади.

Бу жараёнда резидентлар ўз истагига биноан, умумбелгиланган солиқ солиш тартибига ўтишлари мумкин. Ушбу тартиб Солиқ кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг амалиётга жорий этилади.

Маълумот учун, амалда товар айланмаси 1 миллиард сўмдан ошган айланмадан олинандиган солиқ тўловчилар мазкур олиш рўй берган сандан бошлаб, умумбелгиланган солиқларни (ҚҚС ва фойда солиғи) тўлашга ўтади.

Солиқ кўмитаси Матбуот хизмати

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

МУЛК ИЖАРАСИ ИХТИСОСЛАШУВИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ БЕЛГИЛАНАДИ

Ижара тўловининг минимал ставкалари солиқ тўловчини фаолият тури ёки жойлашувига тўғри келмаслиги мумкин. Шу сабабли, энди мулкни ихтисослашувидан келиб чиқиб ставкани белгилаш ваколати Халқ депутатлари вилоят (Тошкент шаҳар) Кенгашларига берилди. Шу билан бирга, жисмоний ва юридик шахслар томонидан расмийлаштирилган ижара шартномаларини **Е-ijaga** ахборот тизимида ҳисобга қўйишда шартномада назарда тутилган ижара суммаси кўрсатилади. Солиқ солиш мақсадида энг кам ставкаларидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади.

Комил САЙИДОВ, Солиқ кўмитаси департамент директори.

Ҳар бир хонадон солиқлардан хабардор



“САРВАР ХОТАМОВ МАХАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИДА “МАХАЛЛА ИФТИХОРИ” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.

Сарвар ХОТАМОВ, Олтинсой туманидаги “Жобу”, “Чеп”, “Ипок” маҳаллалари солиқ инспектори.



Ҳар беш йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, солиқ инспекторларининг маҳалла даражасига туширилиши солиқ тўловчиларга катта имконият ва қулайлик яратди. Биринчи навбатда, одамларнинг вақти ва пулини сарфлаб, туман марказига келишларига чек қўйилди. Яширин иқтисодиёт занжирлари узилиб, солиқ тушумлари ортапти. Олдинлари одамларга мол-мулк ва ер солиғи тўлаши ҳақидаги хабарномани етказиш қийин эди. Шу боис кўпчилик солиқ тўловларини ўз вақтида тўламасди. Натижада қардорлик йилдан-йилга ошиб борарди. “Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, ҳар йили 1 февралдан 1 мартга қадар кўча-

ма-кўча, хонадонма-хонадон юриб, хабардор этиямиз. Биргина мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларнинг 10 фоизи “маҳалла бюджети”га қўлиши, ушбу маблағлар йўғинлар инфратузилмасини яхшилашга, янги иш ўрни яратиш ва аҳолининг оғирини енгил қилишга сарфланишининг тарғиботи

1 февралдан 1 мартга қадар кўчама-кўча, хонадонма-хонадон юриб, хабардор этиямиз.



“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

одамларни солиқ тўловларни ўз вақтида тўлашга ундаяпти. Хали 15 апрель келмасиданоқ, аҳолининг 40 фоизи мол-мулк ва ер солиқларини тўлаб қўйишди.

Биз, солиқ инспекторлари нафақат қўшимча солиқ манбаларини яратиш, балки “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳиятини тушунтириб бораёмиз. Бунинг натижасида тадбиркорлик фаолияти билан қонуний шуғулланиб, ўзи ва оиласини даромадли қилаётганлар сони ортади. Масалан, туман марказига яқин ҳудудда жойлашган “Ипок” маҳалласида 20 га яқин тадбиркорлик субъекти савдо-сотиқ, маиший хизмат кўрсатиш, овқатланиш ва тиббий хизмат каби йўналишларда иш бошлади.

“Чеп” ва “Жобу” маҳаллалари аҳолиси, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Ҳар бир хонадонда чорва моллари бўлиб, сут, қатик, сариеғ ўзидан қақиади. Томорқасига картошка, пиез каби кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

экиб, даромад қияпти. Деҳқончиликка қизиққан 70 нафар ишсиз аҳоли 20-30 сотих ер олиб, деҳқон хўжалиги ташкил этиб, бандлигини таъминляпти.

Мазкур маҳаллаларда иш бошлаганимдан буён солиқ тушумлари 20 фоизга кўпайди. Утган йили март ойида маҳаллий бюджетга 238 миллион 500 минг сўм солиқ тушуми ҳисобланган бўлса, жорий йил март ойи ҳолати бўйича 341 миллион сўмни ташкил этипти.

Ҳозирда менга бириктирилган маҳаллаларда 62 та юридик корхона, пахта, ғалла ва узумчиликка ихтисослашган “Ипок” маҳалласида 80 та фермер хўжалиги, 41 нафар яққа тартибдаги тадбиркор бор. 1 227 нафар фуқаро деҳқончилик, новвойчилик, сартарошлик, этикдўзлик, чорвачилик йўналишларида ўзини ўзи банд қилиб, расмий даромад топапти. Жорий йилнинг ўзида иқтисодий қийинчиликка дуч келган 3 та корхона қайта иш бошлади. 1 та корхонада хужжатсиз ишлаётган 7 нафар ишчи-ходимнинг фаолияти қонунийлаштирилди.

“Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида солиқ тушумларини ошириш бўйича бир қатор режалар ишлаб чиқяпмиз. Хусусан, эллика яқин узумчилик фермер хўжалиқларининг маҳсулотларини қўшни маҳалладаги винозавод ва қуритиш цехларига олиб юрмасдан ўзимизда қайта ишлаш корхонасини ташкил этишни режалаштиряпмиз. Шунингдек, кичик бизнесни, хусусан, ишлаб чиқариш, маиший ва хизмат кўрсатиш ҳамда савдо йўналишларида тадбиркорликни кенгайтираёмиз. Бу борада йўғинларда имконият ва шароитлар мавжуд.

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ

Иш билан банд бўлмаган оилани учратмайсиз...

Сўнгги пайтларда хотин-қизлар бандлигининг таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлаш патижасида ишбилармон ва тадбиркор аёллар сафи ортди борапти. Бу борада Янгибозор туманида инсоллар кўп.

Латофат ЮСУПОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси матбуот котиби.



“Дўстлик” маҳалласида ўтган йили “Аёллар дафтари”га киритилган 63 нафар аёл касаначилик, тикувчилик, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик йўналишларида ўз даромадига эга бўлди. Шулардан бири – Шодия Қўшжоновна тикувчилик касбини эгаллаган. У касб-хунарга ўқитилганидан сўнг мустақил фаолиятини бошлади. “Хунарманда” уюшмасига аъзо бўлиб, “устоз-шогирд” анъанаси асосида маҳалласидаги хотин-қизларга касб сирларини ўргатапти. Айни кунда тикувчилик цехида “Аёллар дафтари”га рўйхатга олинган 68 нафар аёлнинг аксарияти касбга ўқитилляпти.

Аҳамиятлиси, бу тикувчилик цехида, асосан, миллий либослар буюртма асосида тикилиб, етказиб берилади. Шу орқали миллий либослар тарғиботида ҳисса қўшиляпти.

Туманининг “Манғитлар” маҳалласида яшаётган моҳир тикувчи Меҳрибон Тангриева қуроқчилик билан шуғулланади. У бир неча йил олдин ишсиз, ўй бекаси эди. Унга имтиёзли кредит ажратилганидан сўнг ўзининг мустақил фаолиятини бошлади. Маҳалла биносидаги бўш турган хона ажратиб берилди. У энди ишсиз аёл эмас, устоз, ишбилармон аёлга айлан-



ди. Тикувчилик ва қуроқчиликка қизиқувчи хотин-қизларга йўл-йўриқ кўрсатяпти.

Бугун қай бир маҳаллага борманг, албатта, миллий кадрият ва анъаналарнинг улуғлашгани, бу орқали аҳолининг даромадли бўлганига гувоҳ бўласиз. Жумладан, “Юқорибошқир” маҳалласининг Асалчи кўчасига кириб борар экансиз, иш билан банд бўлмаган оилани учратмайсиз. Барча ўзининг даромадли юмушига эга. Кимдир қуроқчилик, кимдир тикувчилик қилса, яна бошқаси сут ёки ширинлик маҳсулотлари ишлаб чиқараётганини кўриш мумкин. Бу ерда Ойжон Сапарбаева бошчилигида оиланинг хотин-қизлари қуроқчилик ва кўрпа тикиш билан шуғулланади. Ойжон она нафақат оиласидаги хотин-қизларни, балки маҳалла-

даги аёлларни ҳам хунарга ўргатапти. Ойла келини Ирода Тожимова ҳам ўзини ўзи банд қилиб, совғабоп гуллар ва эсдалик буюмлар ясаб, шунинг ордидан даромад топяпти.

Қўшқўпир туманидаги “Шихмашхад” маҳалласида оилавий тадбиркорлик сафи кенгайди. Бугун кўпчилик мазкур йўғинни “Хунарманлар маҳалласи” дея таъ-

рифлайди. Чунки бу ерда вилоятда етакчи бўлган уста-хунарманлар фаолият юртияпти. Айниқса, ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб, вилоят ва қўшни республикадан буюртмалар қабул қилаётган усталар кўп. Шулардан бири – Замира Жуманиёзова бошчилигидаги хунарманлар оиласи ҳисобланади. Жуманиёзова билан қўшни оилалар ҳам ёғочсозлик билан шуғулланиб, яхши даромадга эга бўляпти. Муҳими, мазкур маҳаллада “Бир маҳалла – бири маҳсулот” тамойили жорий қилинган. – Маҳалламизда бир неча авлод

уста-хунарманлар фаолият юртияпти. “Устоз-шогирд” анъанаси асосида ўқувчи-ёшлар ўқишдан бўлиш вақтларида устахоналарда бўлиб, касб сирларини ўрганишади, – дейди “Шихмашхад” маҳалласи раиси Болтабой Қаландаров. – Асосий мақсад – боланинг илми, хунарили бўлишини таъминлашдир. Яқин кўнларда маҳалламиз марказида янги лойиҳа асосида “Хунарманчилик маркази” қурилади. Натижада ўз хонадонидида иш ташкил қилган хунарманлар шу марказда иш бошлашади. Асосийси, қўшимча иш ўринлари яратилади.

Кувонарлиси, бугун маҳаллалардаги ислохотлар ўз натижасини кўрсатяпти. Одамлар ўз иши, даромадига эга. Тадбиркор ва ишбилармонлар маҳаллаларда шаклланыпти. Улар нафақат ўзини, балки атрофидаги кишиларнинг ҳам бандлигини таъминляпти. Рўзгорларга баракка, хонадонларга файз қияпти.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Шаҳзод ТўРАЕВ, Андижон вилояти:

– 2024 йилда ЧЕТ ЭЛДАН ПУЛ УТКАЗМАСИ ОЛГАН ЭДИМ. СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ БУНИНГ УЧУН СОЛИҚ ҲИСОБЛАШГА ҲАҚЛИМИ?

ЧЕТ ЭЛДАН ПУЛ ОЛСА, СОЛИҚ ТўЛАНДИМИ?

Музаффар НАЗАРОВ, Солиқ кўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:



– Жисмоний шахс бошқа бир жисмоний шахсдан пул маблағи олган бўлса, унда бу даромад солиққа тортилмайди ва жами ийиллик даромад тўғрисида декларация тақдим этилмайди. Агар жисмоний шахс хорижий юридик шахсдан даромад олган бўлса, у ҳолда ушбу даромад 1 апрелгача тақдим этилиши керак бўлган декларация асосида солиққа тортилади. Тижорат банклари солиқ органларига хорижий юридик шахсдан жисмоний шахснинг ҳисобварағига чет элдан келиб тушган маблағлар тўғрисида умумлаштирилган маълумотларни тақдим этади.

Агар солиқ тўловчи 1 апрелгача ушбу даромад бўйича декларация тақдим этмаса, солиқ органи ўзида мавжуд маълумотларга асосланиб солиқ ҳисоблайди ва бу ҳақда солиқ тўловчини хабардор қилади. Ҳисобланган солиқ тўғрисида батафсил маълумот ақс эттирилган хабарномалар солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади. Бунда солиқ суммаси 1 июнгача (1 июнь дам олиш (ишланмайди) кунига тўғри келганлиги сабабли, ушбу кунда тўловчи лозим бўлган солиқларни тўловнинг охири муддати 2025 йил 2 июнга кўчирилади) тўлашиши лозим.

Солиқ тўловчининг ҳисобланган солиқ суммасига эътироз ва тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлса, у ҳолда ушбу ҳужжатларни илова қилган ҳолда my3.soliq.uz сайти орқали қайта декларация тақдим этиши мумкин.



2025 йил 1 июлдан ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ошириш лойиҳалари учун кредитлар ва субсидиялар ажратила бошланади.



Ўзбекистонда Хитойнинг "Leapmotor" машиналарини сертификатлаш жараёни ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИЛДИ.



2024 йилда музейлар экспонатини бойитиш учун аҳолидан 4 млрд. сўмга икки мингдан ортиқ МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАР харид қилинган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ТАҚДИРЛАР

“МЕН АНГЛАГАН ҲАҚИҚАТ ШУ — ҲАЁТ УЧУН КУРАШ ТЎХТАБ ҚОЛМАЙДИ”

ИНСОН ЯШАГАН САРИ ҲАЁТ УНИ ТАРБИЯЛАБ БОРАВАРЕР ЭКАН. БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛСАНГИЗ, БИРНИ КЎРИБ ШУҚР ҚИЛИШНИ ЎРГАНАРКАНСИЗ. АВВАЛИГА МАКТАБДА ЎҚУВЧИЛАРГА ДАРС БЕРИШДАН БОШЛАГАН ФАОЛИЯТИМИ АЙНИ ВАҚТДА МАХАЛЛА ИЖТИМОЙ ХОДИМИ СИФАТИДА ДАВОМ ЭТТИРИБ, ЎЗИМ УЧУН ЖУДА КЎП ҲАҚИҚАТЛАРНИ АНГЛАБ ЕТЯПМАН.



Одинахон ХОЛМИРЗАЕВА, Учкўприк туманидаги “Катта Қашкар” маҳалласи ижтимоий ходими.

Одамлар билан суҳбатлашиб, уларнинг дарду ташвишини тинглаб, турфа тақдирлар борлигига гувоҳ бўламан. Айниқса, ногиронлиги бўлган кишиларнинг яшаш учун курашаётгани, имконияти даражасида меҳнат қилишга тирishaётганини кўриб, ҳар сафар кўзимга ёш келади. Фуқаролар билан ишлаш жараёнида ўзгалар парваришига муҳтож, кекса ёшдаги инсонлар ҳолидан тез-тез хабар олишга ҳаракат қиламан. Уларнинг ҳар бир сўзида катта ҳаётий тажриба, олам-олам маъно бор. Қўлларини дуога очиб, ишимизга ривож, юртимизга тинчлик тилагани эса бизни янада кўпроқ ҳаракат қилишга ундайди.

Маҳалла тизимида фаолият олиб бораётган ҳар бир ходим, аввало, адолатли бўлиши керак. Давлат фуқаролар учун яратиб бераётган имкониятларни тўғри ва ҳолис тақсимлай олсагина, хурматга сазовор бўлади. Бу борада билиб-билмай йўл қўйилган кичик хато ҳам қанчадан-қанча кишининг жабр чекишига сабаб бўлиши мумкин. Қолаверса, ижтимоий ходим одамларни яхши кўра олиши зарур. Унинг қалбида инсонпарварлик туйғуси бўлмаса, кўмак сўраб келганларни юраги билан тингламас, ҳеч кимнинг ишончини қозона олмайди. Аҳоли вакиллари бу ходимга ўзининг

сирларини очик-ошкор айтгиси келмайди. Табиийки, бировнинг дардини билмай, ҳис қилмай туриб, тўлақонли ёрдам кўрсатиш имконсиз. Шундай экан, бу савобли йўлга кирган киши зиммасидаги масъулиятни чуқур англаб етиши даркор.

Айни вақтда ҳудудимизда 160 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бирига турли йўналишлар бўйича хизмат кўрсатиб келямиз. Оилаларни ўрганиш на-

ка миҳлидан қолиши ҳақиқатан оғир мусибат. Бундай кишиларда туғма ногиронлиги бўлганларга қараганда, психологик зўриқиш кучли бўлади. Сабаби, болалигидан қайсидир имконияти чекланган киши бу ҳолатни қабул қилса, кейинчалик бир жойга ўтириб, кимнингдир парваришига муҳтож бўлиб қолишга кўникиш қийин кечади.

Онасининг вафотидан сўнг бу фуқаронинг аҳоли янада оғирлашади. Аравача берилган бўлишига қарамай, кўчага чиқишни хоҳламайди. Турмуш ўртоғи ва 2 нафар фарзанднинг моддий таъминотини қилиб бермаётганини ўйлаб, чорасизлигидан сиқилади. Шу орада оилада қайнота ва келин ўртасида можаро юзага келиб, улар бошпанасиз қолади. Бу чигал вазиятни ҳал қилиш учун биринчи навбатда, юридик хизмат кўрсатилиб, оилага ота уйдан улуш ажратиб берилди. Ҳомийлар кўмаги билан ошхона қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Тизимли равишда олиб борилган психологик машғулотлардан

фуқаролар учун кундузги парваришлар марказини очишни режалаштирганмиз. Бу имконияти чекланган фарзанд парваришлаган ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож кексаларга қараётган фуқароларга ижтимоий ҳордиқ чиқариш, бирор фаолият тури билан банд бўлиш имконини беради. Қолаверса, соҳа мутахассисларнинг жалб этилиши, ногиронлиги бўлган шахсларнинг янада соғлом ҳаёт кечиришига ёрдам беради.

Иш жараёнида кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси таъинлаш тизимини янада такомиллаштириш кераклиги сезилляпти. Айтилик, ариза топширган бир оиланинг ойлик даромади 4 миллион сўмни ташкил этади. Бошқа ҳеч қандай қирим келадиган жойи йўқ. Иккинчи хонадон вакиллари эса ўзини ўзи банд қилгани учун уларга 2 миллион сўм даромад ёзилади. Шу билан бирга, 2008 йилда ишлаб чиқарилган автомобил бор. Маълумотларни базага киритганимизда, иккинчи оилага нафақа пули чиқариб берапти. Ваҳоланки,



тижасида шу кунга қадар 60 дан зиёд кейс очиб, барчасини ижобий ҳал қилдик. Хусусан, “Темир дафтар”да турадиган бир оила бошлиғи бахтсиз ҳодиса туфайли 1-гурӯх ногирони бўлиб қолган эди. У билан гаплашганимизда, сиқилиш ва руҳий тушунлиқ ҳолатида эканига гувоҳ бўлдик. Аввалига югуриб-елиб юрган одамнинг тўсатдан тўшак

кейин йигитнинг руҳий ҳолати анча яхшиланди. Унинг аввал ҳайдовчилик билан шуғулланганини инобатга олиб, кредит асосида махсус машина олишига ёрдам берилди. Ҳозир қўл билан бошқариладиган “Matiz”да кирakashлик қилиб, яхшигина пул топишни бошлади. Жорий йилда маҳалламизда бўш турган бинода ногиронлиги бўлган

улар ўзини ўзи банд қилиш орқали 2 миллион сўмдан кўпроқ маблағ топаётган бўлиши мумкин. Қолаверса, автомобил хайдашга яроқли бўлгани учун ундан фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд. Шу каби чигал вазиятларга оидлик киритиш учун платформага “Оиланинг ижтимоий ҳолати”, деган бандни киритишни таклиф қилган бўлардим.

ЭҲТИЁЖМАНД ФУҚАРОЛАР КЎМАКСИЗ ҚОЛГАНИ ЙЎҚ

Олмалиқ шаҳридаги “Янги ҳаёт” маҳалласи ижтимоий ходими Мафтуна Ҳамзаева фаолиятини бошлаганига энди бир йил бўлди. Шу қисқа вақт ичида у 60 дан ортиқ оилага ёрдам қўлини чўзиб, эҳтиёжманд фуқароларга тегишли тартибда кўмак беришга улгурди.



жиҳатдан таянч бўлиб келмоқда. Кўшимча равишда, Миразиз адаптив спортга ҳам жалб этилган. Бу унинг фаолиятини ошириб, янги имкониятларга йўл очаяпти. Фарзандлари эса турли тўғаракларга қатнашпти. Шунингдек, у уйда “IT” йўналишида ҳам ишлаб пул топиш ва шу соҳа бўйича тўғарак очиш ниятида. Бу унинг оилавий ҳолатини янада яхшилашга ёрдам беради.

— Ижтимоий ходим менга нафақат иш топшида, балки ҳаётимни яхши тарафга ўзгартиришга катта ёрдам берди, — дейди Миразиз Умрзоқов. — Фарзандларимни тарбиялашда, уларнинг жамиятда ўз уринини топшида фаол иштирок этяман. Бу менга ички хотиржамлик бағишлаб, оилама нисбатан масъулият ҳиссини кучайтирди.

Унинг ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликдаги савий-ҳаракатлари билан 8 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро иш билан таъминланди. Улар орасида мазкур маҳалланинг Ибн Сино кўчасида яшовчи Миразиз Умрзоқов ҳам бор.

Миразиз Умрзоқов узоқ муддат давомида уйдан анча олисда бўлган заводда ишлаган. Кўп вақти йўлда ўтгани боис оиласи ва фарзандларига вақт ажрата олмаган. Ижтимоий ходим кўмаги билан у фақат иш билан таъминланиб қолмай, балки ҳаётда сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бугунги кунда Миразиз Олмалиқ кон-металлургия комбинатида фаолиятини давом эттириб, шу билан бирга, оиласига ҳар

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси матбуот хизмати.

У.Жуманиёзова. Хоразм вилояти:

— Менга яқинда турмуш ўртоғимнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари сабабли оилавий зўравонлик бўйича ҳимоя ордери берилди. Саволим ишқи, турмуш ўртоғим томонидан ўша ҳимоя ордери талаблари бажарилмаса, қандай чора кўрилади?

МЕНДА САВОЛ БОР...

ҲИМОЯ ОРДЕРИ ТАЛАБЛАРИ БАЖАРИЛМАСА...

Санжарбек ТУРСУНБОЕВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси бош мутахассиси:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206-прим 1-моддасига асосан, тазйик ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача

миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Юқоридаги асосга кўра, агар турмуш ўртоғингиз Сизга нисбатан ҳимоя ордери амал қилиб турган вақтда яна қандайдир ноҳўя хатти-ҳаракат содир қилишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талаблари бажарилган бўлса, унга нисбатан меъёрга қўрсатилган миқдорда жарима солиниши ёки у 15 сутка маъмурий қамоққа олиниши мумкин.

Эътибордан миннатдор, қувонган оилалар кўп

Узун тумани “Инсон” ижтимоий хизматлари маркази аҳолига 100 дан ортиқ турдаги ёрдамларни кўрсатиб келмоқда.

Азизбек МАШРАБОВ, журналист.

Мавжуд 51 та маҳаллада “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш борасида салмоқли ишлар бажарилди. “Янгиобод” маҳалласи — туман марказидан 110 километр узоқликда, Тожикистон Республикаси билан чегарадош Боботоғ ён бағрида жойлашган. Худудда 521 та хонадон мавжуд бўлиб, улардаги 685 та оилада 2 701 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Хатлов жараёнида Ойсоат Пардаева турмуш ўртоғи, 5 нафар вояга етмаган фарзанди ҳамда 3-гурӯх ногиронлиги бўлган қайни опаси билан бирга яшаши, кам таъминланган оила экани аниқланди. Ушбу оиланинг мактаб ёшидаги 3 нафар



Ногиронлиги бўлган фуқаролар уларга қаратилаётган эътибордан беҳад миннатдор.

фарзанди фан тўғаракларига қизиқиш борлигига қарамай, моддий етишмовчилик сабаб қўшимча дарсларга, икки нафар боғча ёшидаги фарзанди мактабгача таълим ташкилотига жалб этилмаган. Оила вакили Хурсанд опанинг ногирон-

лиги бўлса-да, оилавий поликлиникада рўйхатдан ўтмаган.

Маҳалла ижтимоий ходими Фахриддин Жўраев “еттилик” билан ҳамкорликда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси доирасида оилани камбағаллик реестрига киритди. Натижада уларнинг ижтимоий хизмат ва ёрдамлардан фойдаланиш имконияти ортди. Хусусан, ижтимоий ходим кўмаги билан оиланинг 3 нафар фарзанди худуддаги 35-мактабда ташкил этилган фан тўғаракларига ва боғча ёшидаги икки нафар фарзанди 9-сонли боғчага имтиёзли равишда қабул қилинди.

Бундан ташқари, Хурсанд опа ногиронлиги ва даволанишга муҳтожлиги сабабли патронаж ҳамшира билан ҳамкорликда 76-сонли оилавий поликлиникага рўйхатга олиниб, чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди


ҳамда қонунчиликда кўрсатилган тартибда бепул дори-дармон билан таъминлашга эришилди.

Хонадоннинг 15 сотихли томорқаси мавжуд бўлиб, ҳомийлар ёрдамида чорва учун озуқабоп экинлар экишга ёрдам берилди. Оила бошлиғи Халил Шойназаровнинг чорва боққиш бўйича тажрибаси борлиги учун шу йўналишда бандлиги таъминланди. Оила кам таъминлангани боис болалар нафақаси таъинланиши учун ҳужжат топширилди.

Бу — маҳаллаларда олиб борилаётган амалий ишларнинг бири, холос. Туманда ҳаётга нур ва қувонч кираётган оилалар жуда кўп. Айримлари биргина хизмат сабаб фаровон турмуш кечиришга эришмоқда. Айниқса, ногиронлиги бўлган фуқаролар уларга қаратилаётган эътибордан беҳад миннатдор.



Рақобат кўмитаси "Uzum Tezkor"ни етказиб бериш бозорида УСТУН МАВҚЕГА ЭГА оператор сифатида эътироф этди.



Марказий банк олтин куймаларининг нархи 40 фоиздан КЎПРОҚКА ОШДИ.



Адлия вазирлиги: тадбиркорлар фаолиятини тўхтатишга асос бўладиган 726 та ёки 95 фоиз омил РЕЕСТРДАН ЧИҚАРИЛДИ.

ЖАРАЁН

МЕНДА САВОЛ БОР...

КИМГА ҚАНЧА НАФАҚА ТЎЛАНАДИ?

Зулфия САТТОРОВА.
Бухоро вилояти:

– Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар учун қандай нафақа ва тўлов турлари мавжуд? Уларнинг миқдори қандай?

Мухриддин АХМАДОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Бухоро вилояти бошқармаси масъул ходими:

– 2025 йил 1 март ҳолатига кўра, I ва II гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчилар сони 315 минг 57 нафарни ташкил этиб, уларга март ойи учун жами 303,5 млрд. сўм пул маблағлари тўлаб берилган. Шундан:

• I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчилар сони – 38 минг 574 нафар. Нафақа миқдори – 1 027 000 сўм.

• II гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчилар – 276 минг 483 нафар. Нафақа миқдори – 920 000 сўм.

Бундан ташқари, I гуруҳ кўз бўйича ногиронлик нафақаси бўйича 4 782 нафар шахс уй-жой коммунал хизматлари учун компенсация олади. Тўлов миқдори – 192 600 сўм. 18 ёшгача болаликдан ногиронлик нафақаси олувчилар сони 171 минг 380 нафарни ташкил этади. Миқдори – 920 000 сўм. Жорий йилнинг март ойи учун 163,6 млрд. сўм тўлаб берилган.

Шунингдек, ҳозирги вақтда 75 минг 390 нафар шахс 18 ёшгача болаликдан ногиронлиги бўлган болани парвартириш нафақасини олиб келмоқда. Нафақа миқдори – 745 000 сўм. Март ойида бу тоифадаги шахсларга 57,6 млрд. сўм маблағлар тўлаб берилган.



Билиб қўйинг!

ИШЛАЙДИГАН ОНАЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?

Қонунчиликка кўра, уч ёшга тўлмаган боланинг бюджет ташкилотларда ишлайдиган онасига ҳафтасига 35 соатдан ошмайди ва бунда иш ҳақи камайтирилмайди.



Иш берувчи ҳомиладор аёлнинг, боласи 14 ёшга тўлмаган (16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг) онасининг илтимосига кўра, тиббий хулоса асосида тўлиқсиз иш вақтини белгилаши шарт.

16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган онага ойига қўшимча бир дам олиш куни берилиб, давлат ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан шу вақт учун бир кунлик иш ҳақи миқдоридан нафақа тўланади.

ИНСОН УМРИ ДАВОМИДА ФАҚАТ БИР СОҶА БИЛАН ЧЕГАРАЛНИБ ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК. ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАРДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШ ҲАЁТНИНГ БОШҚА ТАРАФЛАРИНИ ҲАМ КАШФ ЭТИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.



Клара КЎЧИЕВА,
Зарбдор туманидаги "Оқар" ва "Навбахор" маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Аввалига ўқитувчи бўлиб, болалар билан ишлаган бўлсам, энди уларнинг оналарини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ёрдам бераман. Уқувчиларимнинг уйига кириб бориб, ҳақиқий муҳит ва шароит қандайлигини ўрганаётган. Кузатувлар, тўпланаётган маълумотлар дунёқараш ва фикрлашимга катта таъсир кўрсатапти.

Иш жараёнида турли йўналишлар қатори оилалар мустақамлигини таъминлашга эътибор қаратаяпмиз. Мажароларни оғир-бо-сиқлик билан тарафларни тинглаган ҳолда ҳал этар эканмиз, асосан, ёши улуг инсонларнинг ёрдамига таянапмиз.

Маҳалламизда халқимизга хос бўлган миллий қадрият ва анъаналар ҳали ҳамон сақланиб қолган.

Хонадонда бирор ортиқча келишмовчилик юзага келадиган бўлса, кўп ҳолларда оиланинг нурониёлари бош бўлиб бартараф этишади. Уйдаги гап кўчага чиқмасин, деган андиша жуда кучли. Вазият жиддий тус олган тақдирдагина, одамлар маҳаллага мурожаат қилиб келишади.

Жорий йил бошидан буён бирорта ажралиш қайд этилмади. Лекин икита оилани яраштириш учун ҳаракат қилаяпмиз. Бир ҳолатда эр-хотин 5 йилдан буён фарзандсизликдан азият чекиб келяпти. Муаммони ҳал қилиш мақсадида бола асраб олишни ният қилишган. Улардан кўнглимиз тўқ. Ҳар иккиси бир-бирини ҳурмат қилади, ўзаро муносабатлари ҳам жуда яхши. Фақат иккинчи хонадоннинг вазияти бироз оғир. Аёлнинг хиёнати боис эр-хотин анча вақтдан бери алоҳида-алоҳида яшайди. Ўртада 3 нафар фарзанд сарсон-саргардон. Уч йиллик фаолиятим давомида бундай ҳолатга биринчи марта гувоҳ бўляпман. Эرкак хотинининг йўл қўйган хатосини кечириб, болалари

Маҳалламизнинг "драйвери" – чорвачилик ва деҳқончилик.



ЖАРАЁН

Касаначилик – аёллар учун энг қулай касб

Маҳалла тизимининг бугунги долзарб муаммоларидан бири – ишсизликни бартараф этишдан иборат. Хотин-қизлар йўналишида ҳам айна масалага алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Зубайраҳон ЖЎРАЕВА,
Янги Наманган туманидаги "Янги замин" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Худудимиз янги ташкил этилгани боис, асосан, ёш оилалар истиқомат қилади. Кўпчилик аёллар фарзанд парвариши билан банд бўлганидан ишлаш имкониятига эга эмас. Шу каби уй бекаларининг рўзгорига муносиб ҳисса қўшишига шароит яратиб мақсадида касаначилик билан шуғулланишга жалб қилаяпмиз. Ийрик тадбиркор ва хунармандлар бизга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Зебохон Сайдиалиева тикувчилик хунарини ўрганиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган. Бугунги кунда у нафақат ўзининг, балки 4 нафар хотин-қизини доимий иш билан таъминлади. Яна 5 нафар аёлга касаначилик асосида даромад топиш имкониятини яратди. Корхонада кунига 350



Махсус буюртма асосида тикилаётган сумкалар асосан, Хитойга экспорт қилинмоқда.

донагача маҳсулот ишлаб чиқарилади. Махсус буюртма асосида тикилаётган сумкалар, асосан, Хитойга экспорт қилинмоқда. Шу тарзда аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур шарт-шароитларни яратиш натижасида кўплаб хотин-қизлар банд-

лиги таъминланмоқда.

Каштачилик йўналишида Нодира Абдурахмонова кўплаб аёлларга устозлик қилиб келяпти. 15 йилдан буён шу соҳада меҳнат қилиб, ўтган йиллар давомида 50 нафардан кўпроқ хотин-қизни янги хунара эгаси

бўлишига муносиб ҳисса қўшди. Уларнинг барчаси айна вақтда махсус буюртмаларни уйда ўтирган ҳолда бажариб, яхшигина даромад топишяпти.

Маҳалламизнинг ривожланиш нуктасини каштачилик ва иссиқхона тармоқлари ташкил этади. Мазкур йўналишлар кундан-кунга ривожланиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортиб бормоқда. Хусусан, Муҳаббат Кўчқорова томорқасидаги 9 сотихли ҳамда қўшимча равишда ташкил этилган 6 сотихли иссиқхонада 100 турдан кўпроқ гуллар етиштириб келяпти. Бу аёл кишин-ёзин тиним билмай меҳнат қилади. Турмуш ўртоғи, икки нафар ўғли ва келинлари Муҳаббат Кўчқорова доимий равишда ёрдам беради. Бундан ташқари, мавсумига қараб 20 нафардан кўпроқ аёлни иш билан таъминлашга кўмаклашади. Меҳр билан парвариш қилинган гуллар бошқа вилоятларга ҳам етказиб берилмоқда. Қолаверса, тадбиркор

ҳар йили анъанавий тарзда Наманганда ўтказиладиган гуллар байрамида фаол иштирок этади.

Жорий йилда "Аёллар дафтари"га 76 нафар ишсиз хотин-қиз киритилган бўлса, яна 50 нафари тадбиркорлик қилиш истагини билдирган. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида касб-хунарга ўқитиш, "Устоз-шоғирд" анъанаси асосида банд қилишни режалаштирганмиз.

Шунингдек, оилалар мустақамлигини таъминлаш мақсадида никоҳдан ўтиш арафасида турган ҳамда ёш оила вакиллари учун ўқув курслари ташкил этишни режалаштирганмиз. Бунга қайноналарни ҳам жалб этмоқчимиз. Улар ҳам баъзида билиб-билмай хатога йўл қўйиши, келини билан мурося қила олмай қолиши мумкин. Шундай вақтда мутахассисларнинг берган тавсия ва кўрсатган йўл-йўриқлари катта аҳамият касб этишига ишончимиз комил.



ФИФАнинг март ойи яқунларига кўра янгиланган рейтингда Ўзбекистон бир поғона юқорилаб, 57-ўриндан жой олди.



ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО МАРАФОНнинг мукофот жамғармаси 639 миллион сўмни ташкил этади.



Халқаро шахмат федерациясининг янгиланган рейтингда **НОДИРБЕК АБДУСАТ-ТОРОВ** кучли олтиталикдан жой олди.

8

№28 | 2025 йил 5 апрель, шанба

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

ЭРТАЛАБКИ НОНУШТАГА ОДАТЛАНИНГ, АКС ҚОЛДА...

Баъзилар ишга ёки ўқишга шошилиб, эрталаб тамадди қилишни унутиб қўйса, айримлар нонушта қилишни хоҳламайди. Аммо бу ҳолат мунтазам давом этса, инсон организми учун жиддий оқибатларга олиб келиши, шу жумладан, сурункали касалликларнинг ривожланиш хавфи ошиши мумкин.

Уйқудан кейин қондаги глюкоза миқдори камайиши натижасида мия самарали ишлаши учун қувватга муҳтож бўлади. Нонушта қилмаслик эса танани "уйғониши" учун зарур бўлган энергия ва озуқа моддаларидан маҳрум қилади. Мухим ресурсларнинг етишмовчилиги туфайли инсон организми "энергияни тежаш" режимида ишлашга мажбур бўлади. Бу эса, ўз навбатида, жисмоний фаоллик ва иш унумдорлигининг камайиши, чарчоқ ва ҳолсизлик ҳисси кучайиши, диққатнинг пасайиши, хотира ёмонлашиши ва қарор қабул қилиш қобилиятининг сулғишига олиб келади.

Тадқиқотлар шунини кўрсатадики, эрталаб мувозанатли овқатланиш инсоннинг кун давомидаги иш самардорлигини 30 фоизга оширади. Аксинча, ҳафтасига беш мартагача нонушта қилмайдиган одамларда геморрагик инсульт ривожланиш хавфи 36 фоизга ошади. Бундан ташқари, нонушта қилмасликка одатланган эркакларда инфарктга чалиниш эҳтимоли 25 фоизга кўпроқ бўлади. Ҳар кун эрталаб ҳеч бўлмаса енгил тамадди қилиш эса қон томирларига юкломани камайтиради. Яна бир жиҳати, эрталаб нонуштадан воз кечиш семизликка ҳам олиб келиши мумкин. Сабаби, эрталаб озуқа

моддалари ва қувватнинг етишмаслиги туфайли инсон нонуштаннинг ўрнини босиш учун кун давомида ҳаддан ташқари кўп овқатланишга мажбур бўлади. Бунинг натижасида овқат ҳазм қилиш қийинлашади, ошқозон-ичак касалликлари ва диабет ривожланиш хавфи ошади.

Эрталаб нонушта қилишни қанда қилиш асаб тизими ҳам жиддий таъсир кўрсатиб, бу ортиқча асабийлик, хотира ва диққатнинг пасайиши, руҳий саломатлиқнинг ёмонлашиши билан намоён бўлади.

Шу боис, кундалик овқатланиш тартибига нонуштани киритиш — соғлом ва узок умр гаровидир.



Феруза ҲАМРАБОВА, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Аммо қандай қилиб нонушта қилишни одатга айлантириш мумкин?

Биринчи навбатда, танани уйғотиш, ичакларнинг тўғри ишлаши таъминлаш ҳамда эндоқрин тизим биринчи таомга тайёрланиши учун кунни бир стакан илик сувдан бошланг.

Тахминан ярим соатдан кейин тамадди қилиш мумкин. Нонуштани имкон қадар ҳар кунни бир вақтда қилиш тавсия этилади.

Эрталаб гречка, жўхори уни, арпа, тарик солинган ва сув ёки сутда тайёрланган бутқалар ёйиш жуда фойдали. Тухумни қовурилган ёки қайнатилган ҳолда истеъмол қилиш ҳам кун бўйи танани керакли витамин ва озуқалар билан таъминлайди.

Шунингдек, кам ёғли творог, сут, қатик, табиий йогурт ичиш организми кўп миқдорда озуқа моддалари, D витамини, калий ва кальций билан тўйинтиради. Озишни истайдиганлар кам ёғли сут ичишлари мақсадга мувофиқ. Қолаверса, нонуштада ёғсиз мол, товуқ, курка ва балиқ гўшидан тайёрланган таомларни тановул қилиш фойдали.

Эрталабки тамадди пайти хамиртуруш билан пиширилган овқатлар, цитрус мевалар, хом сабзавотлар, ёғли гўшт ва углеводга бой маҳсулотлар истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

БИЛАСИЗМИ?

ШАКАР ИСТЕЪМОЛИНИ ЧЕКЛАШ ФЙДАЛИ

Шакардан воз кечиш қийин, бироқ унинг миқдорини чеклаш организм учун жуда фойдали.



Биринчи кунда: овқат ҳазм қилиш ва ичак фаолияти яхшиланади. Асаб тизими барқарорлашади.

Бир ҳафтада: терининг ҳолати тиниклашади, уйқу билан боғлиқ муаммолар аста-секин ортада қолади. Қонда қанд миқдори меъёрлашиб, метаболизм яхшиланади. Хотиранинг жамлаш хусусияти кучаяди. Агар шу вақт ичида тана шакар талаб қилса, турли мевалар, асал истеъмол қилиш мумкин.

Бир ойда: шакардан воз кечилгандан бир ой ўтиб, тана ортиқча вазндан халос бўлади. Шакарга тобелик сезиларли даражада камаяди. Гормонлар миқдори барқарорлашиб, иммунитет яхшиланади. Танада яллиғланиш камаяди, хуснбузарлар йўқолади. Юқори қон босими меъёрга тушади.

Бир йилда: қандли диабет, Альцгеймер касаллиги, семириш, юрак етишмовчилиги, хотира ва нутқ бузилиши ҳамда ўлим хавфи сезиларли даражада камаяди. Инсон ўрганиб қолиш ҳиссидан буткул халос бўлиб, таркибда шакар бўлган ҳар қандай егуликлар ўз-ўзидан рад этилади.

Соғлиқни сақлаш вазири Матбуот хизмати.

БАДАНТАРБИЯ

ОЗИШ УЧУН ЮГУРИШ ШАРТ ЭМАС...

Қандай машқлар тез вазн ташлашга ёрдам беришини билмайдиганлар учун қуйида маълумотлар бериб ўтганимиз.

1. Арқонда сакраш


Арқонда сакраш сизга болаларга хос машқ бўлиб туйилиши мумкин, лекин унинг ҳақиқатан ҳам озишга ёрдами катта. Сакраш бир соатда 1000 калория эришига олиб келади, лекин ижобий натижа вазнингиз оғирлиги ва сакраш тезлигига боғлиқ бўлади. Керак экан, деб бирданига бир соат тўхтамай сакраш тавсия қилинмайди. Орада танафус билан бироз дам олиб, кейин яна давом эттиринг.

2. Сузиш

Сузиш нафақат вазн ташлаш, балки чиниқиш, тетиклашиш учун ҳам самарали ҳисобланади. Бир соат давомида кичик танафуслар билан сузган инсонда 800 калория эриши мумкин. Ушбу спорт тури соғлиғидаги муаммо ёки жароҳат сабаб югура олмайдиган, лекин вазн ташлашни истаганлар учун аини муддао.

3. Велосипед

Велосипедда ҳаракат-



Ортиқча вазн нафақат ташқи кўринишингиз, балки ўзингизни қандай ҳис қилишингиз, асосийси, саломатлигингизга таъсир ўтказмай қолмайди. Соғлом бўлиш, ўзингизга бўлган ишонч ва ҳаётини қувват ортиши учун спорт билан шугулланишни бошлашингиз керак.

5. Эшқак эшиш

Эшқак эшиш спорт соатига 700 калория эришига сабаб бўлади. Бу спорт билан шугулланишга ҳаммада ҳам шароит бўлмаслигини инобатга олиб, муқобил сифатида тренажёр машқларини бажариш тавсия қилинади.

Баҳром ПАРДАЕВ, Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходими.



ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Алишер ДЎСТОВ, Фарғона вилояти:

– Синфдошлар гуруҳи, бошқа чат ёки каналларда ҳар хил видео ҳазиллар, воқеалар келади. Биз у видеоларни очиб кўрагимиз, шунда бу исрофга кириб қолмайми? Иккинчи саволим, интернетда бегона аёлларга кўзимиз тушади, бунда гуноҳ йўқми?

НОМАҲРАМ СУРАТИНИ ТОМОША ҚИЛМОҚ — ГУНОҲ!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

– Аслида, шариатга зид бўлмаган видео тасвирларни кўриш мубоҳ – мумкин бўлган ишлар сирасига қиради. Лекин кўп вақтни беҳуда видеоларни томошасига сарфлаш вақтини, умрни исроф қилиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир мубоҳ ишда меъёр бўлгани каби ижтимоий тармоқларда ҳам имкон қадар эҳтиёж миқдорига фойдаланиш, вақтни фойдали нарсаларга сарфлашга уриниш лозим. Иккинчи саволингизга келадиган бўлса, номаҳрам аёлларга қараш, суратини томоша қилиш, у хоҳ видео тасвир ёки фото тасвир бўлсин, албатта, гуноҳ саналади. Ҳадисда уни "кўз зиноси" дейилган, Аллоҳ сақласин.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами – 380x587, 4 б.т. 9 470 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-420

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.